

## XII. ДЕМОГРАФИК ХОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3088,6 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 21,7 минг кишига ёки 100,7 фоизга кўпайди. Шундан, 1615,0 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 52,3 фоизи) ва 1473,6 минг киши – қишлоқ жойларида (жами аҳоли сонининг 47,7 фоизи) истиқомат қилади.

### Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2019 йил 1 июль ҳолатига)


	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3088,6</b>	<b>1615,0</b>	<b>1473,6</b>	<b>101,9</b>	<b>101,6</b>	<b>102,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Андижон	436,7	436,7	-	101,5	101,5	-
Ҳонобод	42,0	35,1	6,9	101,7	92,7	202,6
<i>туманлар:</i>						
Олтинкўл	174,2	91,9	82,3	101,9	101,9	101,9
Андижон	258,5	198,4	60,1	102,2	102,2	102,4
Балиқчи	196,8	67,4	129,3	101,8	101,1	102,3
Бўз	70,8	24,8	46,0	101,8	102,4	101,6
Булоқбоши	140,1	68,4	71,8	101,7	101,9	101,5
Жалақудуқ	183,0	76,6	106,3	101,6	102,0	101,4
Избоскан	233,3	74,9	158,4	102,0	102,3	101,8
Улуғнор	58,6	6,1	52,6	101,9	102,6	101,9
Қўрғонтепа	212,3	91,0	121,3	101,8	101,6	102,0
Асака	321,6	97,4	224,1	102,0	101,8	102,0
Марҳамат	170,1	134,2	35,8	101,8	101,8	101,6
Шаҳрихон	293,5	97,4	196,1	102,0	102,3	101,9
Пахтаобод	189,2	69,4	119,8	101,8	101,8	101,8
Ҳўжаобод	108,0	45,3	62,7	102,1	102,0	102,1

**Январь–июнда вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари**  
(2019 йил 1 июль ҳолатига)

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й.	ўсиш, камайиш, +,-	2018 й.	2019 й.
Туғилганлар	28971	31284	2313	19,4	20,5
Ўлганлар	7586	8664	1078	5,0	5,7
Табиий ўсиш	21385	22620	1235	14,4	14,8
Никоҳлар	9118	9069	-49	6,1	5,9
Ажралишлар	1973	1935	-38	1,3	1,3

**Туғилиш.** 2019 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 31284 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (29028 киши) нисбатан 2256 тага кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 20,5 промиллени ташкил қилди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффиценти**  
2019 йил январь-июнь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)




**Ўлим.** 2019 йилнинг январь-июнь ойларида ўлганлар сони 8664 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига ( 7586 киши) нисбатан 1102 кишига ортди, мос равишда ўлим коэффиценти 5,7 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-июнида 5,0 промилле бўлган).

Ўлим коэффицентининг сезиларли ўсиши Андижон шаҳар (6,6 дан 5,5 промиллега), Избоскан (6,1 дан 5,4 промиллега), Хўжаобот (6,7 дан 5,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Улуғнор туманида (4,5 промилле), Бўз (4,9 промилле) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 5798 та (66,9 фоизи), ўсма касалликларидан 666 та (7,7 фоиз), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 403 та (4,7 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 293 та (3,4 фоизи), бошқа касалликлардан 998 та (11,6 фоизи) бахтсиз ҳодисалардан 367 та (4,2 фоизи), ва юқумли касалликлардан 134 та (1,5 фоизи), вафот этган.

### Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2019 йил 1 июль ҳолатига)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь–июнь ҳолатига 5 та оналар ўлими рўйхатга олинган, бир ёшгача 511 та болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффиценти 14,1 промиллени (2018 йил январь–июнида 14,7 промилле бўлган) ташкил қилди.

Мазкур даврда жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 301 та ( 58,9 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 101 та ( 19,8 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги

нуксонлардан 44 та ( 8,6 фоизи), бахтсиз ходисалардан 12 та ( 2,3 фоиз) ва қолган касалликлардан 46 та ( 9,0 фоиз) гўдаклар ўлими қайд этилди.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2019 йилнинг январь–июнь ойларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 9069 никоҳлар ва 1935 никоҳдан ажралишлар қайд этилган. Қайд этилган никоҳ кўрсаткичи 1000 киши аҳолига нисбатан 5,9 промиллени (2018 йилнинг тегишли даврида 6,1 промилле) ва ажримлар 1,3 промиллени (2018 йилнинг тегишли даврида 1,3 промилле) ташкил этди.

**Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**  
(январь-июнь ойларида) (бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
<b>Вилоятбўйича:</b>	<b>9118</b>	<b>9069</b>	<b>1973</b>	<b>1935</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	1271	1357	319	315
Ҳонобод	118	93	41	41
<i>туманлар:</i>				
Олтинқўл	508	424	122	103
Андижон	625	702	177	164
Балиқчи	517	595	94	77
Бўз	133	168	36	37
Булоқбоши	398	448	100	100
Жалақудуқ	549	559	107	92
Избоскан	939	800	166	163
Улуғнор	131	118	27	34
Қўрғонтепа	596	691	118	154
Асака	933	851	196	225
Марҳамат	470	533	133	130
Шаҳрихон	899	717	168	107
Пахтаобод	701	660	112	124
Хўжаобод	330	353	57	69

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3385 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4271 кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус - 886 кишини ташкил этган, 2018 йилнинг мос даврида минус - 836 киши бўлган.

**Аҳолининг миграция кўрсаткичлари**  
(январь-июнь ойларида)

(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3494</b>	<b>3385</b>	<b>4330</b>	<b>4271</b>	<b>-836</b>	<b>-886</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Андижон	769	772	1174	1041	-405	-269
Хонобод	97	132	89	78	8	54
<i>туманлар:</i>						
Олтинқўл	165	225	249	256	-84	-31
Андижон	911	707	484	462	427	245
Балиқчи	154	145	188	215	-34	-70
Бўз	58	65	84	101	-26	-36
Булоқбоши	21	53	164	134	-143	-81
Жалақудук	37	38	214	272	-177	-234
Избоскан	293	324	245	260	48	64
Улуғнор	106	53	94	71	12	-18
Кўрғонтепа	205	239	257	306	-52	-67
Асака	373	156	262	254	111	-98
Марҳамат	38	87	178	155	-140	-68
Шаҳрихон	39	155	315	305	-276	-150
Пахтабод	114	30	207	209	-93	-179
Хўжабод	114	204	126	152	-12	52